

**Бу ерда сизнинг  
рекламангиз бўлиши  
мумкин**



**РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР,  
ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР  
ДИҚҚАТИГА!**

"Biznes-Эксперт" газетасига ёки дивиденд обуна бўлиш қизиқ.  
Контра: обунага расмийлаштириш.  
Сиз ишонган эксперт сайёрага ети бўлиш.

Журналга "Ўзбекистон почтаси" АЖ, "Matbuot tarqatuvchi" АЖ  
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри  
"Biznes-Daily Media" Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам  
расмийлаштиришига мумкин. Обуна индекси – 1169.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.

# Biznes-Эксперт

№ 9, 2019

ХУСУСИЙ РАШТИРИШ

НОЛИК

КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ЎЛЧОВ АМАЛИ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

**Сугурта компаниялари  
бухгалтерия баланси  
курсаткичларига асосланган  
молиявий хавфсизлик  
ва рақобатбардошлилик  
индикаторлари ва уларнинг  
меъёрий чегараларини аниқлаш**

**ТЕМА НОМЕРА:**  
**Воздействие золотовалютных резервов  
на финансово-экономические риски страны**  
**104**

ПРИВАТИЗАЦИЯ

СИЛАБОН

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

ПРАКТИКА

**ДИҚҚАТ!**

"Biznes-Daily Media" компанияси ўз МЧЖ ва БИРСКО  
Publishing, Inc. (АҚШ) ўзлагида 2017 йил 9 августда  
қўрилган асосий шартномага асосан,  
"Biznes-Эксперт" газетаси меъёрига эга. Тўра  
маълумоти вақтарини келтириш тўғрисида  
БИРСКОга маълумотлар берилган ҳақиқатда на шу  
тоғри орқали дало бўлиб қараланди.

**ВНИМАНИЕ!**

Сизнинг компаниясида Президентини Россияда  
ишончлиқ қилишга эришди ва  
Кабинетини Назарбаев Республикаси Ўзбекистон  
№ 281/9 от 28 октябрь 2019 йили, шунинг  
«Biznes-Эксперт» газетаси ва унинг маълумоти  
вақтарини келтириш тўғрисида маълумотлар  
берилган ҳақиқатда эришди.

# Мундарижа

<b>Ислоҳот</b>	
Абдурасул ЭРГАШЕВ, Анвар РАҲИМОВ, Шухрат МИНГБОЕВ, Юсуф ҚИЁМОВ. Минтақада сув ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш моделлари	3
<b>Таъқиқот</b>	
Шоҳмансур ШОҲАЪЗАМИЙ, Баҳодир АЛИМОВ. Сугурта компаниялари бухгалтерия баланси кўрсаткичларига асосланган молиявий хавфсизлик ва рақобатбардошлилик индикаторлари ва уларнинг меъерий чегараларини аниқлаш	7
<b>Логистика</b>	
Муҳиддин КАЛОНОВ. Транспорт логистикасининг иқтисодий аҳамияти	12
<b>Тажриба ва самара</b>	
Абдулла ТУРДИЕВ. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг илгор хорижий тажрибалари ва улардан республикада фойдаланиш истиқболлари	16
<b>Инвестиция</b>	
Динара АБДИКАРИМОВА. Гаров реестри ва унинг иқтисодий субъектлари учун аҳамияти	20
<b>Бандалик</b>	
Озодхон ҚЎЗИБОЕВА, Ганхар РАДЖАБОВА, Диловда ЮЛДАШЕВА. Меҳнат бозорининг мамлакат иқтисодийотидаги ўрни ва аҳоли бандлиги	26
<b>Маркетинг</b>	
Наргиза МУРОДОВА, Феруза ТЕМИРОВА. Туристик хизматлар маркетингининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари	30
<b>Иновация</b>	
Муборак АШУРОВА. Саноат тармоқларини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш йўналишлари	35
<b>Жараён</b>	
Музаффаржон КУРБАНОВ, Шухрат ОТАЖОНОВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни	38
<b>Молия</b>	
Рустам АЛЛАДУСТОВ. Жаҳон молия бозорини тартибга солиш назарияси ва амалиётининг замонавий жиҳатлари	41
<b>Пенсия таъминоти</b>	
Шавкат ХАМДАМОВ, Диодора МУРАДОВА. Ўзбекистон республикасида ёшга доир пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари	47
<b>Кун нафаси</b>	
Бекзод ШЕРМУХАМЕДОВ, Гузал НАВРУЗОВА. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни шакллантириш	53
<b>Таҳлил</b>	
Улутбек ХОАМИРЗАЕВ. Молиявий активлар ва уларнинг таҳлилини такомиллаштириш	55
<b>Солиқ</b>	
Зариф АХРОРОВ, Алижон ТУРАЕВ. Хизмат кўрсатиш корхоналарига солиқ имтиёзларини қўллашга доир назарий қарашлар таҳлили	59
<b>Хориж тажрибаси</b>	
Тоштемир БЕРАДИЕВ. Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашда хориж тажрибаси (Россия Федерацияси мисолида)	62

<b>Нуқтан назар</b>	
Сарвиноз САЛОМОВА. Миллий иқтисодийотнинг ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларнинг аҳамияти	66
<b>Сугурта</b>	
Закир БАЗАРОВ. Тиббий сугуртанинг назарий ва амалий масалалари	69
<b>Аграр соҳа</b>	
Зулунжон ЮСУПОВ. Қишлоқ ҳўжалигининг техник салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий асослари	74
<b>Бухгалтерия</b>	
Ирода УРМАНБЕКОВА. Электроэнергетика корхоналарида харажатлар ва уларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари	78
<b>Тадбиркорлик</b>	
Ахрор АБДУЛЛАЕВ. Қурилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) ни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	84
<b>Экспорт</b>	
Қамолддин ШОДМОНҚУЛОВ. Мамлакатимизда мева- сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва аграр соҳа экспорт салоҳиятини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш	87
<b>Тараққиёт</b>	
Мастура ШОДИБОЕВА. Иқтисодийотни модернизациялаш шароитида инвестицион лойиҳаларни кредитлаш орқали иқтисодий фаолликни ошириш	90
<b>Иқтисодийот</b>	
Муҳаммадсолиқ ҲАМИДОВ, Назокатхон ТУРДИАЛИЕВА. Иқтисодий фаолликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти	93

## Содержание

<b>Финансы</b>	
Жаҳонгир ЗАЙНАЛОВ, Сусанна АЛИЕВА. Вопросы финансирования инновационной деятельности предприятий	96
<b>Взгляд</b>	
Оттабек ГУЛЯМОВ, Салима ХАШИМОВА. Развитие черной металлургии Узбекистана	101
<b>Развитие</b>	
Азизбек АЗИЗОВ. Воздействие золотовалютных резервов на финансово-экономические риски страны	104
<b>Тема дня</b>	
Искандер НАЖИМОВ. Активизация инвестиционно- строительной деятельности на неосвоенных территориях в условиях модернизации экономики (на примере Республики Каракалпакстан)	109

УЎТ: 330

## Саноат тармоқларини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш йўналишлари

### Тенденции использования инноваций в развитии отраслей промышленности

### Trends in the use of innovation in the development of industrial sectors

Муборак АШУРОВА,

Бухоро Давлат университети катта ўқитувчиси.

#### Аннотация

Мақолада миллий иқтисодиётда саноат тармоқларининг туганган ўрни, ҳолати ва аҳамияти, уни ривожлантиришда инновациялардан фойдаланишнинг объектив зарурияти таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат тармоқларида инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича илмий ҳулоса ва таклифлар билдирилган.

В статье описываются роль, состояние и значение промышленных секторов в народном хозяйстве. Цели использования инноваций в развитии отраслей промышленности, научные выводы и рекомендации по развитию инновационной деятельности в отрасли.

This article outlines the role and importance of industrial sectors in the national economy. An analysis of the current state of industry in Uzbekistan is presented. Objectives of the use of innovations in the development of industrial sectors and scientific conclusions and recommendations on the development of innovative activities in the industry.

Замонавий шароитларда илм-фан ҳамда инновацион фаолият ютуқларидан кенг фойдаланиш иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантирувчи асосий омиллардан биридир. Чунки инновациялар иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Мамлакат миллий иқтисодиётининг тараққиёти бозор муносабатларининг ривожланганлик, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув, техник-технологик ривожланиш кўлами, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг тузилиши, ривожланиш хусусиятлари ва инновациялардан фойдаланиш даражаси билан характерланади.

Саноат тармоқларини модернизация ва дивер-

сификация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш орқали амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан ҳам иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланган саноат тармоқларини ривожлантириш зарур масала эканлигини кўриш мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича "юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр

**Калит сўзлар:** миллий иқтисодиёт, саноат, инновация, рақобатбардошлик, модернизация, диверсификация, инновацион фаолият.

маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали sanoatни янада модернизация ва диверсификация қилиш” вазифалари белгилаб берилган [1].

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда энг илғор ва сўнгги авлод технологияларини жорий этиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида, хусусан, sanoatда инновацияларнинг ривожланишига эътиборни янада кучайтириш ва бунда инновациялар соҳасида хорижда яратилаётган янгиликлар ва тажрибаларни ўрганиш, янгиликларни жорий этишда барча имконият ва салоҳиятни ишга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижлик ҳамда мамлакатимиз иқтисодчи-олиmlарининг илмий-тадқиқот ишларида sanoatнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ҳамда sanoat тармоқларининг барқарор ривожланиб боришида инновацияларнинг ҳаятда муҳим ўринга эга эканлигини кўриш мумкин.

И.Т.Балабанов фикрига кўра: “Инновация – капитални янги техника ёки технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шакллари, жумладан, янги назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усуллари киритишдан олинган, моддий тус олган натижадир” [3].

В.В.Глушенко, И.И.Глушенколар мазкур тушунчага қуйидагича таъриф берганлар: “Инновация – товарлар, хизматлар ва технологияларнинг фирма даражасидаги ташкилий шакллари янги турларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тарқатишга йўналтирилган ижодий ва инвестицион фаолият натижаси” [4].

Ўзбекистонлик олиmlардан А. Ортиқов, Э. Махмудов ва бошқаларнинг илмий ишларида sanoat тармоқлари ва уларни ривожлантириш йўналишлари, Р. Гимуш ва Ф. Матмуродов, Х. Абдусаттарова ва бошқа олиmlарнинг тадқиқотларида инновация-

нинг иқтисодиётни, sanoat тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамияти чуқур очиб берилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётда sanoatнинг ҳажмини, хусусан, ЯИМ, бандлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда унинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожига бевоқифа боғлиқлиги ҳамда иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги таъкидланган [2].

Кейинги йилларда иқтисодиётда амалга оширилган туб ислоҳотлар, sanoatни модернизация ва диверсификация қилиш, sanoat тармоқларида инновацион фаолиятнинг ривожланиб бориши натижасида мамлакат ЯИМ таркибида соҳанинг ҳажми ортиб бормоқда.

2000 йилда мамлакатимиз ЯИМ таркибида sanoatнинг улуши 16,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 26,7 фоизни ташкил этади.

Инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамиятининг ортиб бориши ҳамда иқтисодиёт тармоқларида инновациялардан кенг фойдаланиш, инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобига инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналарнинг сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналарнинг сони 289 та ни ташкил этган бўлса, бундай корхоналар сони 2015 йилга келиб 2134 тага етди.

Инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сонининг ортиб бориши натижасида инновацион маҳсулотлар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2010 йилда 1849 млрд. сўмлик инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 10 баробарга ошиб 18543,3 млрд. сўмни ташкил этади.

1-жадвал.

Ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналар сони ва ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми ҳамда харажатлари динамикаси [5].

Кўрсаткичлар	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналар сони	289	2134	2374	2171
Инновацион маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм	1849	8023.6	10688.2	18543.3
Инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ҳажми, млрд. сўм	264.4	5528.3	2571.4	4162.3



Кейинги йилларда саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳисобига саноат тармоқларида меҳнат унумдорлиги юқори бўлиши таъминланмоқда. Саноатда меҳнат унумдорлиги 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 5,6 фоизга кўпайганлигини кўриш мумкин.

Саноат тармоқларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш замонавий бозор рақобати шароитида бозор конъюнктураси ўзгаришларига тезда мослашиб бориш ҳамда рақобатбардош бўлишининг асосий мезонларидан биридир. Бугунги кунда республикамиздаги корхоналарда инновацияларнинг молиялаштирилиши корхонанинг ўз маблағлари, хорижий капитал, тижорат банклари кредитлари ва бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилмоқда. 2010 йилда инновациялар асосан корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган. 2017 йилда корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 16,4 баробар ошган. 2017 йилда молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларнинг молиялаштирилишида корхонанинг ўз маблағлари 71 фоиз, хорижий капитал 19,2 фоиз, тижорат банклари кредитлари 2,1 фоиз, бошқа маблағлар 7,7 фоиз иштирок этганлигини кўриш мумкин.

Миллий иқтисодиёт таркибида саноат тармоқларини ривожлантириш, саноат тармоқларининг изчил ва барқарор ривожланишида инновациялардан фойдаланишни кенгайтиришда куйида келтирилаётган таклифларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- саноат тармоқларида инновацион инвестициялардан фойдаланиш ҳажмини ошириш;
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кластер механизмнинг, хусусан, инновацион кластерлар фаолиятини кенгайтириш;
- саноатда инновацион инфратузилма объектларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- Инновацион саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда замонавий маркетинг технологияларидан фойдаланишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, саноат тармоқларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, саноатни инновацион ривожлантириш орқали мамлакат ЯИМ таркибида саноат ҳажмининг, саноатда бандликнинг ортишига ҳамда пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ўсиб боришига ёрдам беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь.
3. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. Спб.: Питер.2001 г. с. 41.
4. Глуценко В.В., Глуценко И.И. Исследование систем управления: социологические, экономические, прогнозные, плановые, экспериментальные исследования. 2-е изд. - М.: ООО НПЦ «Крылья», 2004 г. С.30.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

